



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ТУҒИЛГАН КУНИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Президент Қосим-Жомарт Тоқаевни таваллуд куни билан самийий мулоқотда эътибор билан қўллади.

Қозоғистон Президентининг биродар мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси қайд этилди.

Мунтазамлик касб этган ва ишончга асосланган олий даражадаги мулоқотлар кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг жадал суръат билан ривожланишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Сўхбатда икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Аввал эришилган келишувларнинг амалга оширилиши ҳамкорликнинг барча устувор йўналишларида янада кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Ў.А.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Халқ розилиги йўлида — мақсадлар муштарак

Кунги кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларида йиғилишлар ўтказилиб, халқ вакиллари томонидан бир қатор қонун лойиҳалари батафсил муҳокама қилинди. Уларда жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларига оид янгиликлар ва ўзгартиришлар назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига қандай янги нормалар киритилди?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими янада такомиллаштирилиши ҳамда айрим жиноятларни декриминализация қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилий аспект, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қондаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг сони ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг сони мунтазам ўсиб бораётганини кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 163-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик 2018 йилда 1,5 мингта,

ПРЕЗИДЕНТ ИШТИРОКИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕАЛАР АНОНСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов иштирокида навбатдаги брифинг ташкил этилди.

Брифинг

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ўтказилган ушбу тадбирда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерлар қатнашди.

Қайд этилганидек, ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат хизматларини ривожлантириш борасидаги ишлар тақдирини билан танишди. Бу бўйича ташкилотларда маълумотларни рақамлаштириб, қўзғобозлик ва расмийликни камайтириш, давлат хизматларини содда-лаштириш ҳамда аҳолига яқинлаштириш, уларнинг тез-

корлиги ва қўлайлигини ошириш бўйича топшириқлар берилди. Ҳозирги кунда 157 турдаги давлат хизмати кўрсатилаётган бўлса, йил якунигача уларнинг сони 200 тага етказиладиган бўлди.

Давлат раҳбари иштирокида, шунингдек, ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишнинг таъминлаш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда биринчи чорақдаги кўрсаткичлар танқидий таҳлил қилиниб, йил якунигача эриштирилиши лозим бўлган параметрлар белгилаб олинди.

➡ 2

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИБ, МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 17 май куни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология миллий тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, маҳсулотлар сифатини ошириш, жаҳон бозорларига чиқиш бўйича тизимли ишлар олиб боришда, Хусусан, юртимизда мавжуд 30 мингга яқин стандартларнинг 19 мингтаси халқаро нормалар билан уйғунлаштирилди ва халқаро стандартлар реестри шакллантирилди.

Эскирган, бозор иқтисодиёти механизmlарига салбий таъсир кўрсатадиган 5 минг 600 та стандарт амалиётдан чиқарилди, 3 минг 500 таси замон талаблари асосида такомиллаштирилди. Халқаро аналогларга мувофиқ қўшимча 26 та техник регламент ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етштирувчи 260 та корхонада "Global G.A.P." ҳамда "Organic" стандартлари асосида сифат тизими жорий этилди ва улар халқаро даражада сертификатлаштирилди.

32 та тўқимачилик корхонаси "Oeko-Tex" стандарти асосида сертификатлаштирилди. 21 та корхона Европа Иттифоқида талаб этиладиган "CE" маркировкасини тасдиқловчи сертификат олди.

Синов лабораториялари модернизация қилиниб, юртимизга чет эллардан келтирилатган маҳсулотлар сифати ҳам ўрганиб боришда.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришда, экспорт ва импорт жараёнларида стан-

дартлар билан боғлиқ яна кўплаб вазирлиқлар бор. Айрим тартиб-таомиллар тадбиркорларга қийинчилик туғдирмоқда.

Тақдиротда шу масалаларни ҳал этиш, соҳадаги тартибларни такомиллаштириш бўйича тақдиротлар муҳокама қилинди. Масалан, бугунги кунда 3 минг 400 турдаги маҳсулотга санитария-эпидемиологик хулоса билан бирга мувофиқлик сертификати ҳам талаб этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга санитария-эпидемиологик хулоса олинмаган маҳсулотлар рўйхатини мақбуллаштириш, қўшимча мувофиқлик сертификати талабини бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш бўйича топшириқ берди.

Импорт маҳсулотлар синови божхона расмийлаштируви жараёнида амалга оширилиб, бунга 60 кунгача вақт кетмоқда. Шу боис бу борадаги ҳужжатларни камидан 30 кун олдин божхона электрон дастурига жойлаштириш тизимини йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Соҳани такомиллаштиришда жаҳон тажрибасидан фойдаланишда. Жумладан, Европада фақатгина 28 турдаги хавфи юқори бўлган маҳсулот мажбурий сертификатланади, қолган барча турдаги товарлар мувофиқлик декларациялаш орқали тасдиқланади.

Тақдиротда шундай тизимни тажриба-

синов тарихида амалиётга киритиш зарурлиги қайд этилди. Дастлабки босқичда 800 га яқин маҳсулотлар тури бўйича декларациялаш тартиби жорий этилди.

Халқаро талаблар билан уйғунлашмаган қолган 11 мингта миллий стандарт ўрнига халқаро стандартларни қабул қилиш ҳамда 2023 йилдан барча корхоналарни ушбу стандартларга ўтказиш бўйича кўрсатма берилди.

"Ўзстандарт" агентлиги тизимидаги 20 та синов лабораторияси фаолиятини халқаро даражада ташкил этиб, биринчи навбатда, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, электр техникаси, енгил саноат, гигиена ва парфюмерия маҳсулотлари ҳамда курилиш материалларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолашни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Европа Иттифоқининг "GSP+" тизими доирасидаги импийлардан кенг фойдаланиш учун корхоналарга халқаро сертификатлар олишда қўмақлаштириш кераклиги қайд этилди.

Жаҳон савдо ташкилотининг Савдодаги техник тўсиқлар ҳамда Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисидаги битимлари нормаларидан келиб чиқиб, ушбу соҳаларга масъул идораларнинг ваколатларини аниқ белгилаш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

ИНСОНПАРВАРЛИК МАКТАБИ

Халқимиз бу йилги Рамазон ҳайитини ўзгача бир руҳда, кўтаринки кайфиятда кенг нишонлади. Байрамонда шукӯҳ дини, миллати, ёши ва жинсидан қатъи назар, миллионлаб юртдошларимизнинг қалбини нурга тўлдирди.

Бу ўринда "Ҳайит мўмин-мусулмонлар байрами бўлса, қандай қилиб барчага бирдек қувонч улашди?" дея савол беришингиз мумкин. Унга жавоб оддий ва лўнда. Бу йил Рамазон ойи ва Ҳайит байрами кунларида Президентимиз томонидан шундай бир улўғ ишлар қилинди, унинг шодлиги ҳар бир юртдошимиз кўнглини чарогон этди.

Муборак ой давомида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ҳамда топширигига кўра "Меҳр-5" амалиёти доирасида дунёнинг уруш ўчоғига айланган можароли минтақаларидан 93 нафар юртдошимизнинг Ватанимизга қайтариллиши, жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнглидан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 100 нафар фуқаронинг афв этилиши қалб оилалардаги, минглаб қўллардаги кемтикликни тўлдирди.



Эзгулик

Халқимизга хос меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик, кечиримли-

лик фазилатларининг ёрқин ифодаси ўлароқ бу олижаноб ишлар кўлаб ҳамюртларимизга қўшалоқ байрам тўхфа этди, десак, муболага эмас.

Давлатимиз раҳбарининг улўғ айём кунлари пойтахтимиздаги шифо масканларида бўлиб, у ерда даволанаётган бемор болалар ҳолидан хабар олиши байрам шукӯхини янада бойитди, айни пайтда мамлакатимизда одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсонпарварлик давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини яна бир бор исбот этди.

➡ 4

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Индонезия Республикаси парламенти Вакиллар палатаси Спикерининг саноат ва тараққиёт масалалари бўйича ўринбосари Раҳмат Гобель билан учрашди.

Учрашув

Мулоқот чоғида сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳамда Индонезия ўртасида муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, парламентларо алоқалар сезиларли даражада жонлангани ва доимий тус олаётгани таъкидланди.

Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг фойдаланилмаган улкан салоҳияти қайд этилиб, икки мамлакат учун устувор бўлган йўналишларда аниқ қўшма лойиҳаларни амалга ошириш чўқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Икки томонлама алоқалар бўйича Ўзбекистон — Индонезия ҳукуматлараро комиссияси фаолияти натижадорлигига эришиш масалалари кўриб чиқилди.

Томонлар тўқимачилик, кимё саноати, фармацевтика, туризм, маданият, таълим, гендер тенглик ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини таъкидлади.

Ўз навбатида, Индонезия парламенти вице-спикери Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади. Раҳмат Гобель Ўзбекистоннинг туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга эканлигини эътироф этиб, Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива бугун дунёга машҳур ва ислом зиёратгоҳлари сифатида тан олинганини алоҳида таъкидлади.

"Биз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида тарихий ёдрорликларни сақлаш ва ислом динини ҳамда бой маданий меросни ўрганиш бўйича улкан ишлар олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик", деди у.

Шу билан бирга, икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтириш, жумладан, таълим лойиҳаларини рағбатлантириш ва талабалар ҳамда ўқитувчилар алмашиш, икки мамлакат таълим муассасаларида ўзбек ва индонез тиллари ўқитилиши, илмий-академик фаолият олиб бориш, тиббиёт ҳамда зиёрат туризмининг ривожлантиришдан манфаатдорлик маълум қилинди.

Мулоқот якунида икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омили бўлган парламентларо ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, бу борада тадбирларни биргаликда ташкил этиш, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

МЕҲНАТ ҚИЛДИНГИЗМИ, РОҲАТИНИ КЎРИНГ!

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида асос солинган сийхаттоҳда бугун минглаб юртдошларимиз дардига шифо топмоқда.

Фамхўрлик

— Бир йўла саксондан ортиқ кишиларни қабул қилишга мўлжалланган сийхаттоҳимиз касабга уюшмалари кўмағида бир неча бор мукамал таъмирдан чиқарилиб, шарт-шароитлар яхшиланди, — дейди Абу Али ибн Сино номи билан аталувчи ушбу сийхаттоҳ раҳбари Нодирбек Камолов. — Бу ерда асаб тизими, ҳаракат-таънч, юрак-қон томир касалликларидан азият чекувчилар Нурбулоқнинг мўъжизакор сувидан баҳраманд бўлади. Қарангиз, шифобахш сувдан фойдаланиш имкониятини янада ошириш мақсадида янги мажмуага пойдевор қўйилди. Ҳнада қувончлиси, ана шу бунёдкорлик баҳонасида кўриб 40 йилга яқин вақт мобайнида таъмирлан-

маган Нуробод — Нурбулоқ — Иштихон йўналишидаги 31 километрлик 4P53-йўл мукамал таъмирдан чиқарилди. Сийхаттоҳ ҳудудидаги 1,5 гектар майдонда қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси маблагга ҳисобидан 150 ўринли 5 қаватли янги бино қисқа фурсатда қуриб битказилди. 50 миллиард сўм қийматга эга бинонинг тарихида икки қаватли доволаш корпуси, 150 ўринли ошхона, автотураргоҳ фойдаланишга топширилди. Муолажа хоналари сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

➡ 2

ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ?



Сўнгги йилларда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш, юқори технологияли қайта ишлаш йўналишларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқлари учун рақобатбардор шукӯҳни шакллантириш, ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатдошлигига эришиш, экспорт таркиби ҳамда географиясини диверсификация қилиш, шунингдек, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш орқали миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар анча фаоллашди.

Муносабат

Буни қўйидаги долзарб масалалар билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожлантириш, унинг тармоқларида ишлаб чиқариш суръатлари ўсишига эришиш мамлакатнинг халқаро рақобатбардорлигини оширишда муҳим омили ҳисобланади. Иккинчидан, жаҳон бозоридаги кескин рақо-

бат шароитида миллий ишлаб чиқарувчиларнинг юқори сифатли маҳсулотлар билан жаҳон бозорларига чиқишини фойдалантириш зарурияти мавжуд. Учинчидан, илмий сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган тенденцияларнинг ривожланиши ҳамда шунга мувофиқ тарзда саноат тармоқларида

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашда миллий иқтисодиёт доирасида доимий равишда замонавий технологиялар ҳамда инновацияларни жорий этиш талаб қилинади.

Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш кўп жиҳатдан иқтисодиёт йўналишлари ҳамда соҳаларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини барпо этиш бўйича қўлай шарт-шароитларни яратиш билан бевосита боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун унинг тармоқлари родини, айниқса, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

➡ 3

